

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳихлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

У.Ҳамдамов

Истиқпол даври ўзбек романлари рамз поэтикасига чизгилар (Аҳмад Аъзамнинг
“Рӯё ёхуд Ғулистонга сафар” романи мисолида) 198

О.Холматов

XX аср Ғарб прозасида “Йўқотилган авлод” муаммоси 202

Г.Ҳайдарова

Собир Абдулла ижодида Алишер Навоий анъаналари 205

Ҳ.Рахматжонова

Аваз Ўтар сатирасида тадрижийлик 210

Н.Мўминова

Халқ инонч айтимлари хусусида 213

А.Муҳиддинов

Тилнинг генетик ва ижтимоий негизли парадигмасининг транзитивлиги 216

Д.Юлдашева

Болалар нутқида лакуна ва унинг ифодаланиши 219

Ҳ.Сотвалдиева

Мақоллар ва уларнинг лингвистик хусусиятлари 222

Н.Ҳамраев

Даврий нашрларда тил тараққиётига доир илмий ёндашувлар таҳлили 225

Ш.Асқарова

Ўзбек-немис билингвизмидаги интерференция ҳодисалари 228

З.Тўйчиева

Ўзбек тилида исм танлаш масалалари 232

Р.Ҳамдамов

Интернет-маркетинг терминларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўзбек тилида
ифодалаш муаммолари 235

Д.Истроилова

Ноғилологик олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитиш жараёнида
маданиятлараро компетенцияни шакллантириш 238

Ф.Анварова

Чет тили илк ўрганувчиларида юзага келадиган муаммоларни бартараф қилишда
машқлардан фойдаланиш 242

ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

Зулматда зиё излаган юксак салоҳият соҳиби 245

Мукаррам инсон ёди 248

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография 250

ХАЛҚ ИНОНЧ АЙТИМЛАРИ ХУСУСИДА

О НАРОДНЫХ ПРИМЕТАХ

FEATURES OF FOLK BELIEFS

Мўминова Нодира Махмудовна¹

1Мўминова Нодира Махмудовна

– Андижон қишлоқ хўжалик ва агротехнологиялар институти, катта ўқитувчи.

Аннотация

Мақолада ўзбек халқи асрлар мобайнида оғзаки тарзда яратиб, сақлаб келган мақол, матал, афсун, дуо, қанотли сўзлар, аниқ ифодалар (грегория), мантиқий ва ғайримантиқий иборалар (парадокслар), йиги, йўқлов, олқиш, қарғиш, сўкиш, топишмоқ ва образли (юмуқ) ибора, фол ва инонч айтим сингари кичик ҳажмли асарлардан иборат паремиологик жанрлар ва уларнинг илмий асосда ўрганилиши ҳақида сўз боради.

Аннотация

В статье освещен вопрос о научном изучении таких паремиологических жанров фольклора, как пословицы, притчи, заклинания, благословения, крылатые слова, грегории, парадоксы, оплакивание, проклятия, молитвы, верования и красноречия, которые и спустя века занимают особое место в устном народном творчестве.

Annotation

This article is focused on the questions of scientific study of such paremiological genres of folklore as proverbs, parabolas, spells, lessings, winged words, gregorie, paradox, curse, prayers, beliefs and eloquencies which possess a special place in oral folk creativeness even centuries later.

Таянч сўз ва иборалар: мақол, матал, афсун, дуо, қанотли сўзлар, аниқ ифодалар (грегория), мантиқий ва ғайримантиқий иборалар (парадокслар), топишмоқ, ва образли (юмуқ) ибора, фол, инонч айтим, фольклоршунослик, паремик жанр, эртак, ривоят, афсона

Ключевые слова и выражения: пословица, поговорка, притча, заклинание, благословение, крылатые слова, грегория, парадоксы, проклятие, молитва и красноречие, фольклор, паремический жанр, сказка, легенда, предание.

Keywords and expressions: proverbs, parabolas, spells, blessings, winged words, gregorie, paradox, curse, prayers, beliefs and eloquencies, folklore, paremiological genre, tale, legend, tradition.

Ер юзида яшаб келаётган барча халқ вакилларининг оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бундай кўхна ва сирли инонч айтимларни паремик адабий турнинг жанр кўриниши сифатида тўплаш ишлари, юқорида айтиб ўтилганидек, XIX асрнинг сўнгги чорагида бошланган.

Жаҳон халқлари фольклоршунослигида паремик инонч айтимлар масаласи XX асрнинг ўрталаридан бошлаб илмий асосда кенг ўрганилган [1, 274-290].

Рус лингвомаданиятшунослиги ва фольклоршунослигида ҳам мазкур типдаги илмий тадқиқотлар ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб пайдо бўлади.

Халқнинг паремик инонч айтимларини илмий тадқиқ этиш масаласи Кавказ халқлари олимлари томонидан ҳам яхши йўлга қўйилган. Бундай изланишларни бошқа айрим туркий халқлар фольклоршунослиги мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Маълумки, ўзбек халқи асрлар мобайнида оғзаки тарзда яратиб, сақлаб

келган мақол, матал, афсун, дуо, қанотли сўзлар, аниқ ифодалар (грегория), мантиқий ва ғайримантиқий иборалар (парадокслар), йиги, йўқлов, олқиш, қарғиш, сўкиш, топишмоқ ва образли (юмуқ) ибора, фол ва инонч айтим сингари кичик ҳажмли асарлар паремиологик жанрлар, деб юритилади. Шу ўринда бир тушунчага аниқлик киритиб ўтиш лозим бўлади. Масаланинг моҳияти шундан иборатки, юқорида саналган жанрлар барча халқларнинг кундалик майший ҳаётида алоҳида ижрочи, ижро ўрни ёки фурсатини танлаб ўтирмай қўлланаверадиган “навбатчи” айтимлардир. Халқ ижодиётининг достон, эртак, ривоят, афсона, ўлан ва бошқа жанрлари учун эса маҳсус тайёргарлик кўрган шахслар маҳорати, алоҳида вақт ва жой талаб этилади. Шундай экан, ҳажман катта ва соғ бадиий вазифани ўтовчи жанрлардан фарқлаш мақсадида биз грекча “paremia” терминига “айтим” сўзини синоним ҳолда қўллаш таклифини киритамиз. Зотан, бу атама ўзбек лексикологиясидаги илмий терминлар

қаторидан аллақачон жой олган бўлиб, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да таърифланишича: “Айтим – хонанда иштирокида ижро этиладиган турли шакл ва ҳажмдаги ўзбек мусиқа фольклори жанрлари (кўшиқ, ялла, терма, лапар, ашула, маросим кўшиклари ва б.), вокал мусиқанинг халқ (асосан, Хоразм)даги атамаси” [2.165].

Демак, ўзбек фольклоршунослигида ҳам ички хоссаларига кўра мусиқашунослигидан фарқланувчи “айтим” деган маҳсус илмий тушунча кенг истеъмолга кириши учун зарурат мавжуд. Бинобарин, бу термин ҳалқимиз кўп асрлардан бўён ҳар куни бирор муносабат билан айтиб келаётган ҳамда вазифадошлиги жиҳатидан на эпик, на лирик ва на драматик адабий турлар доирасига кирмайдиган мақол, матал, топишмоқ, фол, қарғиш, олқиши, сўкиш, афсун-дуо, инонч (ирим) ва Б.Саримсоқовнинг юқорида эсланган мақоласида саналган яна бошқа кичик жанрларни умумлаштирувчи маънога эга. Шундай экан, юқорида келтирилган иқтибослардаги фикрларни умумлаштирган ҳолда “айтим” сўзини паремия ва парема атамаларининг туркий эквиваленти, айтимшунослик термини эса паремиология тушунчасини ифодалай олади, деб ҳисоблаймиз. “Хонанда иштирокида ижро этиладиган... ўзбек мусиқа фольклори жанрлари”ни ҳам қамраб оладиган бу атамани жорий этсак, бизнингча, ўзбек тилшунослиги ва фольклоршунослигидаги айрим тушунчалар таърифидаги чалкашликларга чек қўйилган бўлур эди.

Мамлакатимиз олимларининг турли тадқиқотлари учун объект вазифасини ўтаган айтим-олқиши, айтим-дуо, йиги-айтим, айтим-кўшиқ сингари ўзбек фольклори жанрлари мавжуд бўлгани ҳолда кундалик оғзаки нутқимиизда, эҳтимолки, улардан фаолроқ қўлланувчи инонч айтим деган жанр нега бўлмаслиги керак, деган ҳақли савол туғилади. Бу жанрга мансуб асарлар тўғрисида сизнинг аниқ тасаввурингиз ҳосил бўлмоғи учун баъзи мисолларни келтириб ўтамиш:

“Кечқурун тирноқ олинса, оиласидан кимдир ўлади. Қозонни кечки овқатдан сўнг сувга тўлдириб қўйилса, эгасига ризқ тилаб туради. Бешикдаги ёстиқ остига кулча қўйилса, чақалоқнинг ризқи мўл бўлади. Қизлар овқат пишираётганида кафтгирни қозонга урса, қайноаси эзма бўлади. Қўлида холи бор қиз меҳнатсевар ва рўзгорбоп бўлади. Дастурхонга оғзини артган қизга мўйлов чиқади. Ёстиққа ўтиrsa, боши

оғриди. Дастурхоннинг йиртиғи бўлса, савоб оёқ остида қолиб кетади. Дастурхонда калит турса, жанжал чиқади. Сигирнинг думи узун бўлса, серсут бўлади. Тароқقا илашган соч думалоқланса, бош оғриди. Ит олдинги оёқлари билан юзини ёпса, ёмғир ёғади. Қоқи ўт гулининг юмилиши – ёмғирдан даррак. Кимки овқат ейишни катталардан аввал бошласа, улардан олдин ўлади. Сумалакнинг тоши дарвоза устига осиб қўйилса, омад келтиради...”.

Ҳикмат ва донолик билан сугорилган ҳамда руҳиятга таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлган иборалар мажмуига нисбатан Озарбайжон ва Туркия турклари “deyumler”, қозоқлар эса “улгі соз” [3.26] деган атамани қўллайдилар. Қрим фольклоршунослигида ҳам ҳажман кичик, таъсирчан ва донишмандлик билан йўғрилган жанрлар умумлашган ҳолда “айтим” термини билан юритилади [4.157]. Рус тилида айтимнинг “изречения” деган истилохи мавжуд. Владимир Даљ ушбу термин хусусида қуйидагича тушунтириш беради: “*Изреканье, изреченье...* краткая речь, апофефма, девизъ, поучения, правило, замечательная мысль въ немногихъ словахъ... *Изрокъ* – судъ, осуждение, приговоръ...”. В.В. Радлов ҳам ўзининг машхур туркий шевалар луғатида “аидым – 1) разговоръ, сообщеніе; 2) песнь, пение; аидымчи – певецъ, импровизаторъ” ёки “аитув, аиттыр” сўзларига алоҳида тўхталиб, “речь, слово... приказать, велить, заставить говорить, заставить сознаться” деган изоҳларни бериб ўтади [5. 47].

Кези келганида “айтим” тушунчасининг ҳалқ ибораларидан фарқи масаласига тўхталиб ўтиш жоиздир. “Ибора бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи сўзлар бирикмаси; таъбир. Образли ибора... Фразеологик ибора маъно жиҳатдан яхлит бир бутунликни ташкил этувчи бир неча сўзлардан иборат бирикма” [6.33].

Ҳалқ айтимлари ибора ёки сўз бирикмасининг ҳажми ва мазмун доираси билан чегараланмайди. Айтайлик, дуо, сўкиш, олқиши ёки йиги-айтимлар бир неча содда ва қўшма гаплардан ташкил топиши мумкин. Жонли ижрова эҳтиёж туғилганида айтимлар ибораларни ўз ичига сингдириб юборади. Мисол учун, “Илоё бошинг тошдан бўлиб, сафаринг бехатар ўтсин” олқиши ёки “Икки оёғинг бир этикка тиқилмай, ўл!” қарғишининг таркибиға кирган турғун иборалар буни тасдиқлайди. Шу боисдан ибораларни ўзбек ҳалқ айтимлари билан тенг қўймаслик зарур.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Демак, биз ўзбек фольклорининг кичик жанрлари қаторида олиб ўрганаётган ионч айтимлар неча минг йиллардан бўён фаол истеъмолда қўлланилиб келади ва ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ўзга паремик жанрларга ўхшаш ҳамда фарқли бўлган бир қатор хусусиятлари билан ажralиб туради.

Энди ўрганилаётган жанр номидаги “ионч” сўзининг маъноси хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Унга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, миллый энциклопедия, “Ўзбек совет энциклопедияси” ва В.В. Радловнинг юқорида тилга олинган туркий сўзлар луғатида изоҳ берилмаган. Аммо бу илмий атама ўзбек фольклоршунослигига XX асрнинг 70-йилларидан бўён халқимизнинг табиат ва жамият ҳодисаларига доир диний ва мифологик тушунчаларини ифодаловчи термин сифатида кенг қўлланиб келинади.

Бундан келиб чиқадики, ионч айтим тушунчаси юқорида рус тилининг изоҳли луғатларида келтирилган предзнаменование, нерушимое наставление, предвестье, изреканье ёки поучение сўзлари англатадиган умумий маънога тўғри келади. Ўзбек халқ ионч айтимлари тўғрисида тўлароқ тасаввур ҳосил бўлиши учун яна мисолларга мурожаат этайлик:

“Турналар осмонда доира ҳосил қилиб ўйинга тушса, кунлар исиди. Турналар қичқирса, ёмғир ёғади. Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади. Турналар кузда баланд учса, куз узоқ вақт давом этади. Товуқлар баландроқ жойга чиқиб патларини тозаласа, ёмғир кутиш мумкин. Товуқлар ёмғирдан ўзларини олиб қочмаса, ёмғир тез орада тинади. Кузда товуқлар эрта тулай бошласа, ҳали-бери изғиринли қиш келмайди.

Адабиётлар:

1. Кокарев Э.Я. Теория и практика сравнительной паремиологии//Фольклор: Образ и поэтическое слово в контексте. – М.: Наука, 1984.
2. Ўзбекистон Миллый энциклопедияси. 1-жилд. –Т., 2000.
3. Қайдар А., Оразов М. Туркитануға кіріспе. Тортінші баспа. «Арыс». 2004.
4. Бекиров Д.Ж. Къырым татар халқъ ағызы яратыджылығы. –Т.: Ўқитувчи. 1988.
5. Радлов В.В. Опытъ словаря тюркских наречий. Том 1. Часть 1. -С.-Пб., 1893.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 1-том. М.: Рус тили. 1981.
7. Ибрагимов И. Пословицы и поговорки//Исследования, посвященные устному народному творчеству Азербайджана. Кн. I (на аз. яз). Баку: Изд-во АН Аз.ССР, 1961.
8. Мирзаев Т. Ўзбек халқ достончилигига бадиий маҳорат. –Т., Фан, 1969.
9. Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиийлиги. НДА, –Т., 1993.

(Тарқизчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).

Қарға қагилласа ёки пастлаб учса, қор ёғади. Қарға хўрпайса, ёмғир ёғади. Қарға шамол эсаётган томонга қагилласа ёзда ёмғир ёғади, қишида қор ёғади. Кўк қарғанинг келиши совуқнинг келиши, кетиши совуқнинг тугаши. Загчалар тўда-тўда бўлиб учаверса, ёмғир ёғади. Күшлар дараҳт ёки айвонларнинг офтоборўй жойига ин қура бошласа, ёз салқин бўлади. Бойкуш сайраса, ёмғир ёғади. Ёмғир тинмаса, бирор дараҳт шоҳига қизил латта боғлаб қўйилса, тез тўхтайди. Ёмғир ёғмаса, тошбақани ағдариб қўйиш керак. Ёмғир ёғмай қолса, ёш ниҳол илдизини осмонга қаратиб экиб қўйилса, ёмғир ёғади. Ёмғир тинмай ёғса, том бошига тақа ташлаш керак. Сумалакнинг сувига тош ташласа, ёмғир ёғади. От бошини силкитиб, юқорига талпинаверса, ҳаво бузилади. От хирилласа, ҳаво айнииди, пишқирса, иссиқ бўлади. Мол сувни кам ичиб, мудрай бошласа, тез орада ёгингарчилик бўлади. Моллар кечки пайт далада иштаҳа билан ўт еса, эртасига ҳаво айниши мумкин. Шамол тинмаса, дараҳтлар учига латта боғлаб қўйиш керак. Дараҳтлар баргини пастдан тўқса, қиши совуқ бўлади. Чўумичда овқат ичса, куёвнинг бурни узун бўлади. Супурги тик қўйилса, эгасига ўлим тилайди. Сутни бирорга қоронғида берса, сигири қисир қолади”.

Кўриняптики, гап оддий тил ҳодисаси тўғрисида кетаётгани йўқ. Ионч айтимми, сўкишми, олқиши, қатъи назар, конкрет контекст (тагмант) доирасидагина ўз стилистик-семантик имкониятларини намойиш эта олар экан. Афсуски, ионч айтимларнинг фольклор табиатига оид барча жиҳатларини битта мақола доирасида баён этишнинг имкони йўқ.